

Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси

Бошланғич мактаб болаларининг онгига тинчликсеварлик ғояни сингдириш – давр талаби.

Халлокова Максуда Эргашевна

Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан “Ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш – бизнинг фарзандлик бурчимиздир” номли нутқида: “Биз, бугун, ҳақиқатан ҳам қандай гўзал, бетакрор заминда яшаймиз. Шу маънода, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозирги ҳаётимизни кечаги кунимиз билан солиштирадиган, қийинлашадиган бўлсак, ўйлайманки, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланмайдиган, буни қадрламайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан”, - деб таъкидлагандилар. (“Халқ сўзи” 2015 йил 10 май сони)

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз ҳам тинчлик бор жойда осойишталик ва фаровонлик бор, деб бежиз айтмаганлар.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш билан ёшлар билан ишлаш, таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш каби масалалар – энг долзарб масалаларга айланган.

Мустақилликнинг илк йилларида Президентимиз Ислон Каримов: “Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди”, - уқтирганлар. (“Баркамол авлод орзуси” 1999 йил 156-бет)

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни, “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини амалга ошириш жараёнида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг фаолият самарадорлигини ошириш, уларни янгича ишлашга, ўз устларида мустақил изланишга интилиш ҳамда улар томонидан илғор педагогик технологияларнинг самарали ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратиш эҳтиёжини юзага

келтирди. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Сабаби таълим-тарбия шахснинг маънавий-мафкуравий иммунитетининг мезонидир. Бугунги жамиятимиз тараққиётида ёшлар, айниқса бошланғич мактаб болаларида маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки миллатнинг жони унинг маънавияти, одоб-ахлоқида тинчлик-осойишталикни асраб-аввайлашда бўлиб, жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизи миллат тарихи билан узвий боғлиқ ходисадир. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг маънавий жараёнларни изчиллик билан олиб бориш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига она юртга муҳаббат, қийинчилик билан эришилган истиқлолга шукрона, садоқат ва тинчликсеварлик туйғуларини чуқур сингдириш, ўз-ўзини англаш масаласи асосий вазифа қилиб олинди.

Хўш, бошланғич мактаб болаларга тинчликсеварлик туйғуларни қандай иш шакли, усуллар билан сингдириш мумкин. Улар ўз ёшида бундай тушунчани қандай идрок қила оладилар.

Албатта, бўлажак мустақил инсон, юксак маънавиятли шахс, кучли мафкуравий иммунитетни бор фуқарога айланиш жараён – узун ва узоқ таълимий-тарбиявий мазмун-моҳиятига эга жараёндир.

Бола ҳаётида тарбиячи, энагаси, ота-она, кишилар жамияти ҳамда ўқитувчилар фаол иштирок этиш даркор.

Масалан, бошланғич мактаб даврида бола куйидаги сифатларни ўзлаштириш зарур:

1. Оилада ота-онанинг буйруқ – вазифаларни сўзсиз бажариш. Бунда ота-она ўзлари кўмаклашиш керак бўлади.
2. Мактабда берилган уй вазифаларини систематик равишда бажариш.
3. Оилада меҳнат тақсимоти бўлиш зарур. Болани кундалик меҳнатга одатлантириш долзарб масаладир. Чунки меҳнат бу ҳар қандай инсоннинг камолоти.

4. Ўқишда, меҳнат қилишда, спорт ва жамоат ишларда болада масъулиятни шакллантириш керак. Бунда ота-она, ўқитувчилар, маҳалла аҳли масъулияти сезиларли даражада намоён бўлиши зарур.

Юқори синфларда ёш шахс кўпроқ китобларни ўқиши зарур. Нафақат ўқиш, балки ўқиган юзасидан ўз муносабатини билдириш керакдир. Демак, оила, мактаб, маҳалла болалар ва ёшларда тинчликсеварлик туйғусини шакллантиришда фаол иштирок этади. Бунда ўқитувчи-педагог ўз фаолиятида сермазмун режа, лойиҳалар педагогик инновациялар устида кўплаб ишлар олиб бориши, уларга ижодий, илмий-услубий жиҳатлардан ёндошиши зарур бўлади.

Синфда, синфдан ва мактабдан ташқари ишларида халқимизнинг бой мероси бўлган ва қадриятга айланган миллий ғояни сингдириш ишларни амалга ошириш ўқитувчи-педагогнинг фаолиятида марказий ўринда бўлади.

Ота-оналарни тadbирларга жалб вилиш, уларга ҳозирги кунда тинчликсеварлик туйғусини сингдириш, ота-оналар мактаб кундалик ҳаётига қизиқтириш – ўқитувчи-педагогнинг катта ютуғи деб биламиз.

Демак, тинчликсеварлик туйғуси қуйидаги ички бойитувчи мезонлар асосида шаклланади:

1. Ҳуқуқ ва эркинликларни англаш.
2. Ота-бобо ва момоларимизнинг ҳаётий –фалсафий қарашларини ҳурмат қилиш.
3. Кексаларни эъзозлаш.
4. Халқимизнинг тарихий тафаккурини англаш.
5. Намунавий одоб-ахлоққа интилиш.
6. Мактаб ишларини яхшилаб бориш.
7. Соғлом фикрларга қўшилиш.
8. Нохуш ишлардан узоқроқ юриш.
9. Ўз устидан тинмай ишлаш ва камолга эришиш.
10. Спорт ва жисмоний тарбияни ўз ҳаётига чуқур сингдириш.
11. Ўқитувчи – устозларини ардоқлаш, уларни ҳафа қилгани йўл қўймаслик.
12. Китобни севиш, уни кўпроқ ўқиш.